

# “Ҳар бир уйга бепул ҳуқуқий маслаҳат билан” акцияси бўйича семинар тарғибот тадбири ўтказилди

Узун туман адлия бўлими томонидан 2023-йил 14-август куни, вилоят бошқармаси томонидан тасдиқланган РЕЖА-ГРАФИККА асосан, туман маданият бўлимида Адлия вазирлиги томонидан **“Ҳар бир уйга бепул ҳуқуқий маслаҳат билан”** акцияси бўйича 2023-йил 30-апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги Конституцияси, 2022-йил 28-октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, 1998-йил 30-апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси, 201994-йил 22-сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодекси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 30-апрелдаги 250-сон “Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022-йил 31 мартдаги 145-сон “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022-йил 7-июндаги 312-сон “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикасининг 2013-йил 22-апрел кунидаги ЎРҚ-350-сонли “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуни ва бошқа фаолиятига алоқадор қонунлар ва норматив ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан семинар тарғибот тадбири ўтказилди ҳамда фаоллар томонидан қизиқтирган саволларига жавоб берилди.





